

УДК: 657.1

ORCID: 0009-0000-1926-4610

Ёдгоров Хушвакт Мансурович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

мустақил тадқиқотчиси

yodgorovkhushvaqt@gmail.com

Тел.: +998979191116

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИК МАРКАЗЛАРИНИ АНИҚЛАШ АСОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, бунда дори воситалари ишлаб чиқариш технологиясига мувофиқ ҳолда жавобгарлик марказларини белгилаб олиш, шунингдек, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий, ёрдамчи ва умумий ишлаб чиқариш хўжаликларининг аҳамияти ва вазифалари, ушбу хўжаликларда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг зарурияти очиб берилган.

Калит сўзлар: фармацевтика фаолияти, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари, тиббий техникалар, асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумий ишлаб чиқариш, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби.

НЕОБХОДИМОСТЬ УЧЕТА НА ОСНОВЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЦЕНТРОВ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ПРОЦЕССАХ ПРОИЗВОДСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ.

Ёдгоров Хушвакт Мансурович

Научный соискатель,

Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается организация производственных процессов на фармацевтических производственных предприятиях, действующих в нашей стране, включая определение центров ответственности в соответствии с технологией фармацевтического производства, а также значение и задачи основных, вспомогательных и общепроизводственных объектов на фармацевтических производственных предприятиях, особенности реализации производственных процессов на этих объектах и необходимость учета на каждом этапе производства.

Ключевые слова: фармацевтическая деятельность, предприятия по производству лекарственных препаратов, фармацевтическая продукция, лекарства, медицинское оборудование, основное производство, вспомогательное производство, общее производство, процессы производства лекарственных препаратов, бухгалтерский учет процессов производства лекарственных препаратов.

THE NEED FOR ACCOUNTING ON THE BASIS OF DETERMINING CENTERS OF RESPONSIBILITY IN THE PROCESSES OF DRUG PRODUCTION

Yodgorov Khushvakt Mansurovich

Scientific applicant, Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. The article discusses the organization of production processes at pharmaceutical manufacturing enterprises operating in our country, including the determination of responsibility

centers in accordance with the technology of pharmaceutical manufacturing, as well as the importance and tasks of the main, auxiliary and general production facilities at pharmaceutical manufacturing enterprises, the specific features of the implementation of production processes at these facilities, and the need for accounting at each stage of production.

Keywords: pharmaceutical activities, drug production enterprises, pharmaceutical products, drugs, medical equipment, main production, auxiliary production, general production, drug production processes, drug production processes accounting.

Кирриш. Жаҳонда, жумладан Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид муҳим стратегиялар амалга оширилиб, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бунга мисол, Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 3 февралда “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 16-моддасида ҳукумат томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган сиёсатнинг асосий йўналиши ҳамда мақсади сифатида қуйидагилар келтирилган: “озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳисобига қаноатлантиришдан иборат”¹. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бу давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига эришишда, аҳолини сифатли ва давлат стандартлари талабларига мос маҳсулотлар билан таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундай озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида дори воситалари энг муҳим маҳсулотлардан ҳисобланиб, ушбу маҳсулотлар, уларнинг умумий тавсифи, таърифи ва таркибий қисмлари қуйида тадқиқ этилди.

Адабиётлар шарҳи. Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан К.Б.Уразов ҳамда М.Э.Пўлатовлар томонидан корхоналарда тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш ва уларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш бўйича ўзига хос ёндашувларни амалга оширганлар: “корхоналарда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни, одатда комплекс характерга эга бўлади, ушбу жараёнда ишлатилган бир турдаги хом ашё ва материаллардан бир хилдаги маҳсулот эмас, балки турли маҳсулотлар олинади”².

А.Алиқулов пахта хом ашёсини қайта ишлаб чиқариш жараёнларида пахта толаси олиниши ва ушбу маҳсулот пахта тозалаш тармоқлари корхоналари бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот сифатида тан олинишини қайд этган. Олимнинг фикрича, “айрим ишлаб чиқаришлар тайёр маҳсулот олиш учун саноат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини кимёвий-физикавий, биологик ва термик жараёнлар асосида тартибли қайта ишлаши билан характерланади. Бундай ишлаб чиқаришларнинг ўзига хос хусусияти уларда бир неча бўлимлар бўлиб, бу бўлимлар натижасида оралик маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот) ёки якунланган тайёр маҳсулот олинади”³.

Б.Ф.Боронов корхоналарда тайёр маҳсулотларни асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турларига ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан бўлиб, “тайёр маҳсулотларни уларнинг турлари бўйича молиявий ҳисобот

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 2025 йил 03 феврал, ЎРҚ-1023-сон.

² Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” - 2021, 560 бет. 303-бет.

³ Алиқулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 71-73-бетлар.

шаклларида акс этириш ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга хизмат қилади”¹ деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда берилган қуйидагилар таърифлар тадқиқ этилди: “озиқ-овқатлар – озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар; озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқатлар ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга”²;

“дори воситалари – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари; рецепт билан бериладиган дори воситалари – истеъмолчиларга қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ шаклдаги рецепт (электрон рецепт) тақдим этилгандан кейингина реализация қилинадиган дори воситалари; маҳаллий дори воситалари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари”³.

Тадқиқот методологияси. Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларида жавобгарлик марказларини аниқлаш асосида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг зарурияти бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Бугунги кунда барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг асосий ва ажралмас бўғини ҳисобланган бошқарув ҳисобини юритиш корхона раҳбарларининг даромад ва харажат ҳамда фойда ва зарар кўрсаткичларини бошқаришда, солиқларни назорат қилишга оид ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи энг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан бошқарув ҳисоби ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг корхонада фаолиятининг тўлиқ тавсифи, унда қилинган харажатларнинг таркиби, ишлаб чиқариш корхоналарида харажатларнинг айнан қайси босқичда амалга оширилганлиги, мазкур харажатларнинг ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига олиб боришнинг усуллари ва бунинг натижасида ушбу харажатларнинг маҳсулот таннархига қилган таъсири, бевосита ва билвосита харажатларнинг салмоғи, уларнинг маҳсулот таннархидаги улуши каби ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Кўриниб турибдики, корхоналарда бошқарув ҳисоби ва бошқарув тизимини ташкил этиш анча мураккаб жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришда муҳим ҳисобланади. Манашундай муҳим жараёнларда ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимининг энг муҳим объектларидан бири бўлиб, корхонада жавобгарлик марказларини ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Чунки, корхоналарда жавобгарлик марказлари бу “бошқарув ҳисоби тизимида муҳим объект ҳисобланиб, бошқарув ходимлари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган янги психологик талқиндир. Унинг асосий мақсади назоратдан кўра кўпроқ ўзини бошқаришда бошқарув ходимларига ёрдам беришдир”⁴.

¹ Boronov B.F. Improvement of Financial Reporting on Finished Products in the Oil Industry of the Republic of Uzbekistan. // Journal of Management Value & Ethics. ISSN: 2249-9512, October Special Issue. 22. Vol. 10 No.04. SJIF 7.201 & GIF 0.626 P.49-57

² Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-И сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Референт нарх шакллантириш тизими доирасида рецепт билан бериладиган дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2025 йил 25 декабрь. 3735-сон.

⁴ Xasanov B.A., Xashimov A.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Toshkent. A.Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi. 2013 y. -260 b.

Шу боис ҳам мазкур тадқиқот ишида дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида “жавобгарлик марказлари”ни аниқлаш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш ва бошқариш бўйича вазифалар қўйилди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун даставвал дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти – ишлаб чиқариш технологияси билан яқиндан танишиб олишимиз лозим бўлади.

Корхоналарда олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича хўжалик операциялари ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимида бир қанча йўналишлар бўйича амалга оширилиб, ушбу хўжалик операциялари мазмуни ҳам анча кенгроқ ҳисобланади. Шунингдек, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашадиган ушбу бўлиmlар ишлаб чиқариш жараёнларининг турли босқичларида турли хил вазифаларни амалга оширишда қатнашади ва маҳсулотлар таннархига турлича таъсир қилади. Жумладан, ушбу ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган харажатлар айрим жараёнларда бевосита ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатса, айрим жараёнлар эса, билвосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун, корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, жумладан харажатларни ҳар бир босқич бўйича маҳсулот таннархига таъсирини аниқлаган ҳолда уларнинг бухгалтерия ҳисобини аниқ юритиш лозим.

Таъминот жараёни ҳар бир корхона асосий фаолиятининг энг асосий ва муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, таъминот жараённинг сўнгги босқичи омборхонада яқунланади. Дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда ҳам таъминот жараёнлари бошқа соҳа корхоналари каби амалга оширилиб, ишлаб чиқариш учун зарурий хом ашё ва материаллар омборхонага кириш қилинади. Бундай омборхоналар дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида **марказий омборхона** деб аталади. Марказий омборхонанинг асосий вазифаси хом ашё ва материалларни уларнинг сифатига зарар етказдирмасдан сақлаш, харид қилиш, ортиш, тушириш, етказиб бериш, ташиш каби жараёнлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган камомадларни инвентаризация қилиш орқали аниқлаш ва бошқалар ҳисобланади. Марказий омборхонанинг яна битта вазифаси бу корхонада ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳам сақлаш бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида яна бошқа турли мақсадларда омборхоналар ташкил этилади. Бундай омборхоналардан яна бири бу **карантинда сақлаш омборхонаси** ҳисобланади. Карантинда сақлаш омборхонаси дори воситаларини тайёрлаш жараёнлари яқунлангандан кейин уларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона ҳисобланади.

Барча ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичи тугаганидан сўнг ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар уларни сотиш мақсадида корхонанинг тайёр маҳсулотлар омборига топширилади. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар **тайёр дори воситалари омборхонаси**га топширилади. Корхонада ишлаб чиқарилган ҳар бир дори воситалари уларнинг турлари бўйича омборхонада алоҳида сақланади ва уларнинг фойдаланиш муддати доимий равишда ходимлар томонидан назоратда бўлади. Бундан кўриниб турибдики, омборхоналар бухгалтерия ҳисобини уларнинг таркибий қисмлари бўйича ташкил этиш дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг яна бир муҳим ажралиб турувчи жиҳати ҳисобланади.

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари уч босқичда амалга оширилади. Асосий ишлаб чиқариш бўлимининг биринчи вазифаси **дори воситаларини тайёрлаш цехи**да амалга оширилиб, ушбу цехда хом ашё ва материаллар, жумладан дори воситалари ишлаб чиқариш учун энг муҳим хом ашё ҳисобланадиган субстанциялар марказий омборхонадан асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилади. Дори воситаларини тайёрлаш цехида қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

* флакон ишлаб чиқариш жараёни;

- * дистилланган сув тайёрлаш жараёни;
- * эритма тайёрлаш жараёни;
- * флаконни стерилизация қилиш жараёни;
- * эритмани флаконга қуйиш жараёни;
- * флаконни евроқопқоқ билан ёпиш жараёни;
- * флаконни қайта стерилизация қилиш жараёни;
- * дори воситаларини ёруғлик назоратидан ўтказиш (светоконтрол) жараёни.

Дори воситалари қадоқланиши талаб этиладиган маҳсулотлар таркибига кирганлиги боис, улар ишлаб чиқариш цехларида тайёрлангандан кейин бирламчи қадоқлаш жараёнини амалга ошириш учун **бирламчи қадоқлаш цехига** топширилади. Ушбу цехнинг асосий вазифаси дори воситаларини корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ёрдамчи маҳсулотлар ёрдамида қадоқлаш бўлиб ҳисобланади. Дори воситалари бирламчи ўрам (immediate packaging) дори воситалари ва иккиламчи ўрам (outer packaging) дори воситаларига таснифланади. Бирламчи ўрам (immediate packaging) – бу дори воситаларини ўраб жойлаштириш ёки дори воситаси билан бевосита ёпишиб турадиган қадоқ (идиш). Иккиламчи ўрам (outer packaging) – бирламчи ўрамдаги дори воситалари жойлаштирилган ташқи ўрам.

Корхоналарда бирламчи қадоқлаш жараёни тугаганидан кейин, дори воситалари уларни карантинда сақлаш омборхонасига топширилади. Карантинда сақлаш омборхонаси жараёнлари тугаганидан кейин фақатгина, бирламчи ўрам дори воситалари тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ва уларни сотиш мақсадида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади. Иккиламчи дори воситалари эса, мазкур ишлаб чиқариш цехида ярим тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ҳамда кейинги босқичга қайта ишлаш учун топширилади.

Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар, яъни иккиламчи дори воситалари **иккиламчи қадоқлаш цехида** қайта қадоқланади. Мазкур цех бўйича жараёнлар якунига етганидан кейин иккиламчи дори воситалари ҳам худди бирламчи дори воситалари каби карантинда сақлаш мақсадида карантинда сақлаш омборхонасига топширилади ва ушбу жараёндан кейингина ушбу маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари асосий ишлаб чиқариш цехларини дори воситалари ишлаб чиқаришда зарур бўлган ёрдамчи маҳсулотлар билан таъминлаш жараёнида иштирок этади. Жумладан, ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари таркибида **преформа ишлаб чиқариш цехи** алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланиб, ушбу цехда преформа – ярим тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Преформалар дори воситаларини қадоқлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, асосий ишлаб чиқариш цехида преформалардан флаконлар тайёрланади. Флаконлар эса, идишда тайёрланадиган дори воситаларини асосий сақлаш воситаси ҳисобланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларидан яна бири бу **флакон учун илгак ишлаб чиқариш цехи** ҳисобланади. Корхонада мазкур цех дори воситалари сақланадиган идишларнинг илгакларини ишлаб чиқариш вазифасини бажаради.

Дори воситаларини флаконларда сақлаш учун уларга қопқоқ керак бўлиб, ушбу ёрдамчи материаллар ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилади. Корхонада мазкур жараёнлар **флакон учун евроқопқоқ ишлаб чиқариш цехида** амалга оширилади.

Корхонада шундай жараёнлар ҳам бўладик, ёрдамчи материалларни тайёрлаш учун яна бошқа турдаги ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилади. Жумладан, **евроқопқоқ учун ички ва ташқи қисмлар ишлаб чиқариш цехи** манашу вазифани бажариб, ушбу цехда икки хил кўринишдаги ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилади.

Дори воситалари рақамли маркировкаланадиган маҳсулот таркибига кириб, бугунги кунда дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида рақамли маркировкалаш жараёнлари амалга оширилади. Мазкур жараёнлар учун **рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи** ташкил этилган бўлиб, бизнинг фикримизча, рақамли маркировкалаш жараёнлари ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари таркибига киради ва бухгалтерия ҳисобида ёрдамчи маҳсулотлар сифатида тан олинади лозим, деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарда умумишлаб чиқариш хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бу дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари техника ва технологияларини мунтазам ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўлиб, корхонада ушбу вазифалар **муҳандислик бўлимига** юклатилган.

Корхонада муҳандислик бўлими ташкилий структурасидан кўриш мумкинки, ушбу бўлимда ишлайдиган ходимлар турли хил жараёнларда қатнашиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам тарзда хизмат кўрсатади. Умумишлаб чиқариш хўжалигининг таркибий қисми ҳисобланадиган мазкур бўлимнинг энг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- * ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг узлуксиз ва авария ҳолатисиз ишлашини таъминлаш;

- * асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини жорий этиш;

- * эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш;

- * энергия ускуналари ва ахборот коммуникацияларининг хавфсиз ишлатилишини таъминлаш;

- * жумладан, энергетик ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш;

- * корхонани электр энергияси, буғ, газ ва сув билан таъминлаш жараёнларини бошқариш;

- * энергия ресурсларини тежаш чораларини ишлаб чиқиш;

- * куз-қиш мавсумига тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш;

- * энергия сарфи бўйича ҳисоботларни юритиш;

- * энергетик тармоқларини назорат қилиш;

- * хавф юзага келганда энергия ускуналарини ўчириш;

- * эҳтиёт қисмлар захирасини режалаштириш;

- * техник хизмат кўрсатиш графикларини тузиш;

- * ускуналарни қабул қилиш ва сақлаш;

- * ҳудуд ва ускуналар тозалигини назорат қилиш;

- * ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ва реконструкция қилиш;

- * канализация тизимларининг тўғри ишлашини таъминлаш.

Корхоналарда муҳандислик бўлими томонидан ушбу вазифаларни амалга ошириш дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида муҳим бўлиб ҳисобланади.

Умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибидаги бўлимларнинг кейингиси, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қиладиган энг катта бўлим бу **сифат департаменти** ҳисобланади.

Корхонада сифат департаменти яна бир нечта бўлимларга таснифланиб, шундан фақат иккита бўлим умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибига киради. Сифат департаментининг ташкилий структурасини қуйидаги расмда кўриш мумкин:



1-расм. Сифат департаменти ташкилий структураси¹

Расмда келтирилган сифат департаменти таркибига кирувчи умумишлаб чиқариш бўлимлари, уларнинг ташкилий структураси ва вазифалари билан танишиб чиқамиз.

¹ Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибига кирувчи сифат департаментининг биринчи бўлими бу **интеграциялашган бошқарув тизими бўлими (ИСМ)** бўлиб, ушбу бўлим дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларига билвосита таъсир қилади. Қуйида мазкур бўлимнинг ташкилий структураси расм кўринишида келтирилди:



2-расм. Интеграциялашган бошқарув тизими бўлими ташкилий структураси¹

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида мазкур бўлим қуйидаги вазифаларни бажариш учун хизмат қилади:

- * замонавий менежмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- * ички стандартлаштириш тизимини ривожлантириш;
- * сифат менежмент тизими ва GMP талабларини назорат қилиш;
- * фармацевтик сифат тизимини жорий қилиш;
- * янги тизимларни сертификация ва аудитларга тайёрлаш;
- * ички аудитни ташкил этиш;
- * ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича назорат олиб бориш;
- * стандартларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;
- * стандартларни рўйхатдан ўтказиш ва янгилаш;
- * стандартлар талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- * стандартлар реестрини юритиш;
- * рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқот ишида тадқиқ этилган умумишлаб чиқариш хўжалиги таркиби ўзига хос аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу хўжалик таркиби ва уларнинг дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги вазифалари чуқур тадқиқ этилди. Сифат департаментининг кейинги бўлими ҳисобланадиган **сифат назорати бўлими (ОКК)** умумишлаб чиқариш хўжалиги бўлимлари таркибидаги энг катта бўлим ҳисобланиб, мазкур бўлим таркиби яна иккига таснифланади. Буни қуйида келтирилган расмда кўриш мумкин:


¹ Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



3-расм. Сифат назорати бўлими (ОКК) ташкилий структураси¹

Сифат назорати бўлими иккита лаборатория жараёнлари билан шуғулланувчи қисмлардан ташкил топиб, уларнинг вазифалари бир-биридан фарқ қилади. Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини Давлат стандартларида белгиланган тартибларга мувофиқлигини таъминловчи мазкур умумишлаб чиқариш хўжалиги бўлимларининг корхонадаги асосий вазифалари қуйида келтирилди.

Корхонада **микробиология лабораторияси (МБЛ)** ташкилий структурасини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин:




4-расм. Микробиология лабораторияси (МБЛ) ташкилий структураси²

Микробиология лабораторияси (МБЛ) корхонада ўзига хос бир қанча вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, тадқиқот ишида ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибидаги сифат назорати бўлимининг иккинчи таркибий қисми бу **физика-кимё лабораторияси (ФХЛ)** ҳисобланади. Мазкур лаборатория структураси билан танишиш кейинги тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим ҳисобланганлиги боис қуйидаги расм келтирилди:

¹ Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



5-расм. Физика-кимё лабораторияси (ФХЛ) ташкилий структураси¹

Физика-кимё лабораторияси (ФХЛ) ҳам юқорида тадқиқ этилган микробиология лабораторияси каби дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ўзига хос аҳамият касб этади. Мазкур лаборатория бўлимлари вазифалари билан қуйида келтирилган жадвал маълумотлари орқали танишиб ва уларни солиштириб чиқамиз:

1-жадвал.

Сифат назорати бўлимлари таркибий қисмлари вазифалари²

Микробиология лабораторияси вазифалари	Физика-кимё лабораторияси вазифалари
* хом ашё ва материалларни микробиологик назорат қилиш;	* хом ашё ва ёрдамчи материалларни назорат қилиш;
* ишлаб чиқариш хоналари ҳавосини назорат қилиш;	*ярим тайёр маҳсулотларни текшириш;
* технологик кийимлар тозалигини назорат қилиш;	*ишлаб чиқаришнинг кейинги технологик босқичига рухсат бериш;
*асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш ҳудудларида микробиологик ифлосланишни текшириш;	*дори воситалари сифатини назорат қилиш.
*дори воситалари сифатини назорат қилиш.	*яроқсиз маҳсулотларни бошқариш;
	* ишлаб чиқаришдаги нуқсонларни таҳлил қилиш;
	* сифатни яхшилаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш.

Жадвалда келтирилган сифат назоратининг таркибий қисмлари вазифалари дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларида билвосита таъсир кўрсатиб, уларнинг фаолиятлари бўйича амалга оширилган жараёнлар корхоналарда умумий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради.

Юқоридаги олиб борилган илмий изланишлар натижаларидан кўриниб турибдики, корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ҳар бир бўлимнинг муайян вазифалари мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади.

Тадқиқот бошида айтиб ўтганимиздек, корхоналарда бошқарув тизимини йўлга қўйишда жавобгарлик марказларини аниқлаш ва ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шунинг

¹ Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг “Ички ишлаб чиқариш инструкциялари” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

учун, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида жавобгарлик марказларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди:

2-жадвал.

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида жавобгарлик марказларини аниқлаш тартиби¹

Босқичлар	Белгилари	Таркиби
1-босқич	Ишлаб чиқариш йўналиши	*инфузион дори воситалари ишлаб чиқариш линияси;
		*таблетка ва капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқариш линияси.
2-босқич	Ишлаб чиқариш босқичларини ташкил этиш	*ёрдамчи ишлаб чиқариш;
		*асосий ишлаб чиқариш;
		*умумий ишлаб чиқариш.
3-босқич	Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш	*преформа ишлаб чиқариш цехи;
		*флаконт учун илгак ишлаб чиқариш цехи;
		*флаконт учун евроқопқоқ ишлаб чиқариш цехи;
		*евроқопқоқ учун ички ва ташқи қисмлар ишлаб чиқариш цехи;
		*рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи.
4-босқич	Асосий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш	*дори воситаларини тайёрлаш цехи;
		*бирламчи қадоқлаш цехи;
		*иккиламчи қадоқлаш цехи.
5-босқич	Умумий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш	*муҳандислик бўлими;
		*интеграциялашган бошқарув тизими бўлими (ИСМ);
		*сифат назорати бўлими (ОКК).
6-босқич	Омборхоналарни ташкил этиш	*марказий омборхона;
		*карантинда сақлаш омборхонаси;
		*тайёр дори воситалари омборхонаси.
7-босқич	Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларида харажатлар таркибини аниқлаш	*материал харажатлари;
		*инвентар харажатлар;
		*меҳнат ҳақи бўйича харажатлар;
		*амортизация харажатлари;
		*коммунал харажатлар;
		*бошқа харажатлар;
8-босқич	Асосий ишлаб чиқариш жараёнларида харажатлар таркибини аниқлаш	*хом ашё харажатлари;
		*материал харажатлари;
		*инвентар харажатлар;
		*меҳнат ҳақи бўйича харажатлар;
		*амортизация харажатлари;
		*коммунал харажатлар;
		*бошқа харажатлар;
9-босқич	Умумий ишлаб чиқариш жараёнларида харажатлар таркибини аниқлаш	*материал харажатлари;
		*инвентар харажатлар;
		*меҳнат ҳақи бўйича харажатлар;
		*амортизация харажатлари;

¹ Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг "Ички ишлаб чиқариш инструкциялари" асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

		*коммунал харажатлар;
		*бошқа харажатлар;
10-босқич	Жавобгарлик марказлари бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш	*ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*асосий ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*умумий ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*марказий омборхона бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*карантинда сақлаш омборхонаси бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*тайёр дори воситалари омборхонаси бўйича ички ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш.
11-босқич	Ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларига оид ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш	*дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*дори воситалари таннархи бўйича ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
		*дори воситаларини сотиш натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш;
12-босқич	Бошқарув қарорларини қабул қилиш	*рентабеллиги баланд бўлган дори воситалари турларини аниқлаш;
		*рентабеллиги баланд бўлган дори воситалари ишлаб чиқариш режасини тузиш.

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида биз томонимиздан тавсия этилган жавобгарлик марказлари бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқаришга, ишлаб чиқариш харажатлари устидан тўлиқ назорат ўрнатишга ҳамда бу орқали корхонада энг тўғри ва аниқ бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашиб, бошқарув ҳисобини янада такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари қуйидаги хусусиятлари билан бошқа тармоқ корхоналаридан фарқ қилади:

- мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ишлаб чиқаришнинг энг муҳим йўналиши;
- ҳукумат томонидан маҳаллий ишлаб чиқаришга эътибор қаратилинаётган энг муҳим соҳалардан бири;
- дори воситалари ишлаб чиқариш йўналиши 2 турга бўлинади: инфузион дори воситалари ишлаб чиқариш линияси ҳамда таблетка ва капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқариш линияси;
- дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида омборхоналар уларнинг вазифаларига қараб 3 та таркибий қисмдан иборат;
- дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, бошқа тармоқ корхоналаридан фарқли дастлаб ёрдамчи бўлимларда амалга оширилади ҳамда ёрдамчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади;
- дори воситалари асосий ишлаб чиқариш жараёнлари 3 та босқичда амалга оширилади;
- дори воситалари қадоклаш жараёнлари икки босқичда амалга оширилади;
- умумий ишлаб чиқариш хўжалиги таркиби 3 та бўлимдан ташкил топган бўлиб, мазкур бўлимларнинг ҳар бирининг алоҳида вазифалари белгилаб берилган.

Дори воситалари саноати тармоқларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари ушбу тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишда ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Мазкур илмий изланишларимиз давомида дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби, ишлаб чиқариш жараёнларида харажатларни ҳисобга олиш, ҳар бир ишлаб чиқариш босқичларида дори воситалари таннархини аниқлаш, омборда тайёр маҳсулот сифатида ҳисобга олинган дори воситаларини сотиш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш бугунги ҳисоб олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 2025 йил 03 феврал, ЎРҚ-1023-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-И сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Референт нарх шакллантириш тизими доирасида рецепт билан бериладиган дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2025 йил 25 декабрь. 3735-сон.
4. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет. 303-бет.
5. Алиқулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 71-73-бетлар.
6. Боронов, Б. Ф. "Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш." *Т.: ТМИ, иқтисодийёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация*, -244 б (2023).
7. Хасанов В.А., Хашимов А.А. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Toshkent. A.Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi. 2013 y. -260 b.
8. Уразов, К. Б., and Б. Ф. Боронов. "РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ." *Экономика и социум* 6-2 (97) (2022): 714-719.
9. Боронов, Бобур Фарходович. "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш." *ISSN 2181-3191 VOLUME 1, ISSUE 7 OCTOBER 2022* (2022): 202284
10. Farhodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-289
11. Boronov, B. (2019). THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS. *International Finance and Accounting*, 2019(4), 6.
12. Боронов, Бобур Фарходович. "ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БИЛВОСИТА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." *Экономика и финансы (Ўзбекистан)* 9 (157) (2022): 21-28.
13. Боронов, Бобур. "МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШДА УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." *Economics and Innovative Technologies* 10.6 (2022): 31-42.